



Муносабат

Юртимиз янада обод бўлади

Ҳар бир инсон озод ва обод Ватанда мустақил яшашига, эркин фикр-лашига ва ўз мақсадларини мустақил амалга оширишига интилиши табиий. Бунинг учун яшаб турган Ватанингда имкон бўлиши керак. Шукрки, биз ўзбекистонликлар бундан ўттиз икки йил аввал ана шундай бахтга эришдик. Мустақиллик деб аталмиш ижтимоий адолат тантанаси юртимизда қарор топганлигидан бугун барчамизнинг кўнглимиз шод. Ортга назар ташлар эканмиз, тарихан қисқа вақт ичида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилганидан қувонамиз.

АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентнинг Тошкент вилоятига ташири вилоят ҳаётидагина эмас, жамиятимизда рўй берадиган янада улкан ўзгаришлар дебочаси бўлди, десак асло муболага бўлмайди.

Кейинги пайтда Тошкент вилоятида бунёдкорлик ишлари кенгайди. Иқтисодиётда ўсиш, аҳоли фаровонлиги ошишида муҳим қадамлар ташланди. Йирик sanoat мажмуалари ва спорт объектлари, янги корхоналар ишга туширилди. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент вилояти мамлакатимиздаги иқтисодиёти, аҳолиси ва табиати жиҳатидан ранг-баранг ҳудуд ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида ташкил этилган Маиший техника корхонаси, Металл қувурлар заводи, Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги кластерида бўлиб, ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотлар билан танишди.

Шунингдек, Президент иштирокида Тошкент вилоятида бир қатор янги sanoat, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркида бўлди. Татаристон Республикаси билан ҳамкорликдаги мазкур технопаркда бугунги кунда 10 миллион долларликдан зиёд 5 та корхона ишга туширилган. Жорий йил якунига қадар қиймати 18 миллион доллар бўлган яна 8 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Хусусан, "Родиум Полимер" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўпиклантирилган полипропилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Фракцияларнинг қўшма йиғилиши



ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал демократик партияси, Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, ўтган даврда аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, экологик барқарорликка эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилган.

Ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 фоизни, шундан ялпи ички маҳсулот таркибидан sanoat — 5,6 фоиз, хизматлар — 6,4 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик — 3,8 фоиз ўсишни ташкил қилган.

"Адолат" СДП фракцияси аъзолари томонидан Давлат дасту-

рининг партия Сайловолди дастури билан ҳамоҳанг бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хусусан, адвокатура институти жозибдорлигини ошириш, соҳага ёш кадрларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида бошланган ва амалга оширилаётган лойиҳаларни 2023 йилнинг қолган даврида ҳам изчил давом эттириш, белгиланган вазифларни амалга оширишда суст-кашликка йўл қўймастик кераклиги қайд этиб ўтилди.

Ҳисобот даврида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Жумладан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида 76 та оилавий шифокор пункти, 20 та оилавий поликлиника ҳамда 505 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиб, 1,8 миллион аҳолига ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизмати йўлга қўйилган, 208 та кўп тар-

моқли туман марказий поликлиника ҳамда Тошкент шаҳридаги 70 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари ташкил этилган.

Қўшма йиғилишда Давлат дастури ижроси таъминланиши, эришилаётган ютуқлар замирида, авваламбор, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар, ҳукумат амалга ошираётган изчил саъй-ҳаракатлар тургани алоҳида эътироф этилиб, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш учун вазирлик-идоралар ўртасидаги ҳамкорлик ва масъулиятни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Давлат дастури доирасида барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича белгиланган бандларнинг ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уни қайта ишлаш даражасини 21 фоиздан 50 фоизга етказиш мақсадида Осиё тараққиёт банки иштирокида "Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш" лойиҳаси доирасида 156 та чиқинди ташувчи техника харид қилиниб, 79 та техника ҳудудларга етказиб берилган.

Давлат дастури доирасида жорий йилда атроф-муҳит мониторинги доирасида 685 та атмосфера ҳавоси, tuppoқ ва ер усти сув объектларининг ифлослантирувчи манбаларидан намуналар олиш ва уларни таҳлил қилиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда 542 та объектларнинг 1568 та манбаларида мониторинг ўтказилган.

Шунингдек, йиғилишда бугунги глобал климат ўзгаришлари шароитида минтақада юзга келаётган сув тақчиллигини юмшатиш мақсадида сув ресурсларини бошқаришни tubдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича вазифалар ижросини самарали ташкил этиш ҳамда бу борада назоратни кучайтириш, иқтисодиёт тармоқларидан ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини қисқартириш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва уларни қайта ишлаш борасида белгиланган кўрсаткичларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда фракциялар аъзолари томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялари асосида Давлат дастурининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан тайёрланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор лойиҳаси акс эттирилган инфографикалар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Жамоатчилик муҳокамаси 2023 йил 9 августга қадар давом этади.



“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНING УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ:

- ХАР БИР ИНСОНГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ
- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
- СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
- ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
- МАМЛАКАТНИ ХАВФСИЗ ВА ТИНЧЛИКСЕВАР ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ



Бугунги сонда

ОЗАР ДИЁРИДА
Буларни нега батафсил ёзаяпман? Агар Озарбойжон мустақил давлат бўлмаса, ганида бу даражада ривожланармиди? Асло! Ахир собиқ иттифоқ таркибида озар мунча вақт бўлмади-ку! Неча ўн йиллар мобайнида қандай ютуқларга эришди-ю, ўттиз йил ичида қанақа бетимсол марраларни эгаллади! Бугун нафақат Боку, бутун Озарбойжон тамоман ўзгариб кетган.

“ИНСОН АЗИЗ, УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ ҲАММА НАРСАДАН БАЛАНД”
Ораимизда 80 ва ундан катта ёшдаги ҳожиларни кўп кўрдик. Ҳатто Наманган вилояти Наманган туманидан 107 ёшли мўълояти Наманган ҳожиси ота ҳам Ҳажга табар Иброҳимжон ҳожиси ота ҳам Ҳажга борибдилар. Биз Хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодлари бўлмиш бу улуг зотни зиёрат қилдик ва дуоларини олдик.

УЧ АСРГА ЮЗЛАШИБ ЯШАЁТГАН ОНАХОН
1895 йилда таваллуд топган онахон бу йил 128 баҳорни қарши олди. Турмуш ўртоғи Умирлари Умаров (рахматлик) билан кечган умрлари мобайнида 7 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган.

МАҚСАД— МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Кейинги йилларда маҳаллий кенгаш депутатлари фаолиятида жонланish кузатилмоқда. Бугун халқ вакиллари-нинг зиммасидаги масъулият янада ошган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бошқа соҳа раҳбарлари каби депутатлар ҳам халқнинг ичига кириб бориб, маъжуд муаммоларни ўрганиш билан чекланмай, уларнинг ечимини ҳам топишмоқда. Бу эса сайловчиларнинг ўз вакиллари-га бўлган ишончини оширмоқда.

Шу ўринда халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи фаолиятига эътибор қаратайлик. 4 нафар ташаббускор депутатнинг ҳар бири масъулиятли, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб иш қўра-диган соҳа вакиллари. Асосийси, халқ билан тил-лаша олади, давлатимизнинг бугунги сиёсатини жамоатчиликка етказишда етарли тажрибага

эга. Улар маҳаллий кенгаш сессияларида энг дол-зарб масалаларни олиб чиқмоқдалар.

Давлатимизнинг бугунги сиёсатини жамоатчи-ликка ўз вақтида етказиб бориш бош вазифа. Шун-дан келиб чиқиб, амалга оширилаётган иш-лохотлар ва уларнинг ижобий натижалари, халқ фаровонлигини ошириш борасида Юртбошимиз ва ҳукумат томони-дан чиқарилаётган фармон ва қарорлар мазмун-моҳи-ятини аҳолига етказиш бўйича депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан 144 мартаба учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда 28 минг нафар-дан ортқ аҳоли вакиллари иштирок этди.

Йилнинг энг муҳим воқеалиги бўлган Референдум ва навбатдан ташқари ўтказилган Президент сайло-вида ҳам вакилларимиз фаоллик кўрсатди. Жамоат-чилик орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва сайлов қонунчилиги тарғиботида алоҳида эътибор қар-тилди.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Мамлакатимизда инсон қад-рини улуғлаш тамаойилини изчиллик билан амалга ошириш борасида партияимиз фаоллари, де-путатлари ҳам фидокорона хизмат қилишмоқда.

Жумладан, вилоят кенгаши депутати Тоҳир Палванов етакчилигидаги бир қатор мутахассислар томонидан вилоятнинг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган, онкологик касалликларга чалинган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, “Аёллар даф-тари” рўйхатида турган 20 нафардан зиёд аёлларда бе-пул жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, уларни соғлом ҳаётга қайтаришга эришилди.

Вилоят кенгаши депутатлик гуруҳининг яна бир фаол, саховатпеша аъзоси Бахтиёр Матяқубовни ҳам доим сайловчилар орасида учратиш мумкин. Худуди-даги кам таъминланган оилаларнинг яшаш шароити ҳамиша депутатнинг диққат марказида бўлиб келган. Унинг ҳомиилигида “Маънавият” маҳалласида жой-лашган 47-ИДУМ ўқувчиси, кам таъминланган оила фарзандига шахмат бўйича туман миқёсда ғолиб бўлгани муносабати билан ноутбук совға қилинди.

Шунингдек, вилоят кенгаши депутати Улғубек Қўраёвнинг сай-ҳаракатлари билан 10 нафар фуқаро Хонқа туманидаги сут маҳсулотларини қайта ишлаш “Темур-Назар” оилавий корхонасига, 7 нафар фуқаро “Милк Амир” хусусий корхонасига ишга жой-лаштирилди. Фуқаро Муҳайй Майлиеванинг онаси Зу-лайхо Отажонова бир неча йилдан буён юрак-қон то-мири касаллиги билан қийналиб келаётгани, моддий томондан қийинчиликлар бўлаётгани борасидаги му-рожаати депутат томонидан ўрганилди ва Хонқа ту-ман бюджетидан мурожаатчига 5 миллион сўм миқ-дорига моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят кенгаши депутатлик гуруҳининг яна бир фаол аъзоси Қудрат Жуманиёзов ҳам мутахассисли-гидан келиб чиқиб, сайловчиларнинг саломатли-гига жуда катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, депутат Урганч шаҳридаги “Юкори бог”, “Тушлан”, “Ҳамжихат-лик” “Саховат”, “Жамбул”, “Бинокор” ва “Олма бог” маҳаллаларида яшовчи сайловчилари орасида мун-тазам тиббий кўриклар ташкил этиб келмоқда. Унинг ҳомиилигида жорий йилда 40 нафардан зиёд оила-ларга моддий кўмак кўрсатилди.

Богот туман кенгаши депутати Шермат Матчанов депутатлик фаолиятини бошлаган илк кунлардан оқ-сайловчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозongan. “Найман” маҳалласидаги марказий йўлнинг яроқсиз-лиги маҳалла аҳлини кўпдан бери қийнаб келаётган эди. Депутатнинг сай-ҳаракати билан йўлнинг 2 ки-лометр қисмига тош ётқизилди.

Туман кенгаши депутати Отажон Матниязов “Юк-салиш”, “Навбахор” маҳаллаларида ўтказган ёшлар билан учрашув чоғида ёшларнинг бир қатор мурожаат ва тақлифларини ўрганиб чиқди. Тадбиркорлик қилиш истаги борлигини билдириб, тикув машинаси сўраган Маҳфуза Сафарованинг мурожаати жойининг ўзида ижо-би ҳал бўлди. Мурожаатчи замонавий тикув машина-сига эга бўлди. Тадбир давомида тадбиркорлик, кредит, бандлик масалалари бўйича мурожаат билан чиққан яна бир қатор ёшларнинг истақлари ҳам депутат арала-шуви билан қаноатлантирилди.

“Шовот” маҳалла аҳлининг Жалолиддин Мангу-берди ва Комилжон Отаниёзов кўчаларининг кесиш-ган жойида сув қувури ёрилиб кетганлиги сабаб тоза ичимлик суви исроф бўлаётгани тўғрисида **Шовот туман кенгаши депутати Феруза Юсупова**га қилган мурожаатлари ҳам тезкор ҳал қилиниб, исрофгарчи-лик бартараф этилди. Шу маҳалладаги “Уста Содик” кўчаси йўлининг носозлиги тўғрисидаги сайловчи-лар томонидан баён этилган масала ҳам депутат-нинг сўрови натижасида 3-чорақда ижобий ҳал этила-

диган бўлди. Шунингдек, тумандаги “Янги турмуш” ва “Олтин қалъа” маҳаллаларини боғлаб турадиган кўприкни таъмирлаш ишлари тўхтаб қолгани боис, йўловчиларга ноқулайликлар туғдираётган эди. **Ту-ман кенгаши депутати Хурсанд Исмоилов**-нинг Хоразм вилояти “Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси” раҳбарига йўллаган депутатлик сўрови ўрганиб чиқилди ва кўприкда таъмирлаш ишлари қайтадан бошлаб юборилди. Шунингдек, де-путат ташаббуси билан 300 нафардан зиёд ишчи аёл-лар ва ёшларга туманда фаолият юритаётган “UZTEX GROUP” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонага ишга жойлашишлари амалий ёр-дам берилди.

Урганч туман “Галаба” маҳалласи аҳолисининг тоза ичимлик суви ҳамда эски симёғочлар муаммоси юзасидан **туман кенгаши депутати Д.Искандарова**га қилган мурожаатлари эътиборга олинди. Депутат то-монидан “Хоразм сув таъминоти” МЧЖ Урганч туман филиалига ва туман электр тармоқлари корхонасига йўлланган мурожаат қаноатлантирилиб, маҳаллага тоза ичимлик суви қувурлари ўтказилди, эски сим-ёғочлар янгисига алмаштирилди деган бўлди.

Хива туман кенгаши депутати Отажон Машарипов мазкур ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзанд-ларидан 30 нафарини туманда фаолият юритаётган “Чинобод қурилиш” хусусий корхонасига ишга жой-лаштиришга бош-қош бўлди. Депутат ҳомиилигида “Гандимиён” маҳалласида истиқомат қилаётган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 25 та оила мунтазам озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келинмоқда. **Туман кенгашининг яна бир фаол депутати Мақсуд Эшнингизов**нинг сай-ҳаракатлари билан аҳолини соғломлашти-риш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Нажмиддин Кубро» маҳалласида истиқо-мат қилувчи сайловчилари орасида чуқурлаштирил-ган тиббий-кўрикларнинг ташкил этилиши натижа-сида жорий йилда 37 нафар фуқаронинг жиддий кас-салликка чалинишининг олди олинди. Ундан зиёд кам таъминланган оила аъзолари бўлган беморларга до-ри-дармон етказиб берилди, 7 нафар беморнинг туман тиббиёт марказида ётиб даволанишига ёрдам берилди, 3 нафар мурожаатчи соғломлаштириш муассасалари учун йўлланма билан таъминланди.

Урганч шаҳар кенгаши депутати Равшанбек Жуманиёзовнинг сай-ҳаракати билан “Юкори бог” маҳалласида яшовчи сайловчиларнинг 22-мах-сус ихтисослаштирилган мактабга таълим та-шкилоти олдидagi йўлнинг яроқсизлиги тўғрисидаги мурожаати юзасидан кўчанинг 400 метр узунли-даги қисми асфальтлаштирилди. Шунингдек, де-путат ташаббуси билан маҳалладаги эски симёғочлар 2023 йилнинг иккинчи ярим йилигида 100 фоз ян-гисига алмаштириш шаҳар электр тармоқлари корхо-наси томонидан режага киритилди. Депутат кўмаги билан жорий йилда 20 нафар фуқаро иш билан таъ-минланди, 2 нафар беморга вилоят тиббиёт марка-зига йўлланма олиб берилди, 1 нафар беморда бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилди, депутатнинг шаҳар ҳокимлигига қилган мурожаати туфайли 6 нафар бе-мор даволаниши учун 4 миллион сўмдан 11 миллион сўмгача маблағ билан таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, депутатларнинг сайлов-чилар олдидagi бурч ва вазифасини сидқидилдан адо этишлари, сайловчиларнинг ўз ҳаётларида рози бўлиб яшашларига хизмат қилиш билан бир қаторда, халқимизнинг партияимизга бўлган ҳурмат ва ишон-чини оширмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Депутат Насиба Тўйчиева Асака туманидан сайланган. Асакаликлар чин маънода унга суянади. 6 ой даво-мида депутатнинг аралашуви билан сайловчиларни қийнаб келаётган қатор муаммолар ижобий ечим топди. Жумладан, тумандаги 5 та кўча ас-фальтланди, 7 та кўчадаги хонадон-ларга ичимлик суви тортилди, 12 на-фар тадбиркор ўз фаолиятини бош-лади.



Оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбияси депутатнинг дои-мий эътиборида. 45 дан зиёд ои-лалардаги келишмовчиликлар бар-тараф этилиб, ажримларнинг олди олинди. Натижада шунча оилада ти-рик етимга айланаётган болалар ота-она меҳрини қайта топди.

Маҳаллаларда ёшлар тарбия-сига алоҳида эътибор қаратиб, му-тасадди ташкилотлар билан ҳам-корликда “Миллат ва маънавият”, “Мустақиллик — олий неъмат”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Мен халқ се-вган фарзанд бўламан”, “Тинчлики қадрига етайлик” каби мавзуларда давра суҳбати ва учрашувлар, тад-бирлар ташкил этилди. Депутатнинг бу каби ташаббуслари келажакимиз эгаларининг ватанпарварлик туйғу-сини оширмоқда.

Депутат Иброҳимжон Митил-лаев 3-“Андижон” сайлов округидан сайланган. У иқтисодий йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш, аҳо-лининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами билан ишлашни ўз олдига асосий вазифа сифатида белги-лаб олган. Депутатлик гуруҳининг ййилишларида ҳам айна шу маса-лани биринчи ўринга қўяди.

2023 йилнинг 1-чорагида унинг ҳа-ракати билан Андижон шаҳар маҳал-лий бюджетининг орттириб бажа-рилган қисми ҳисобидан шаҳарда яшовчи кам таъминланган, ижти-моий ҳимояга муҳтож оилаларни қў-лаб-қувватлаш мақсадида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Те-мир дафтар”га киритилган фуқаро-ларга 2 миллиард 628 миллион сўм маблағ ажратилди.

Амалдаги йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланиши де-путат зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Инсон қад-рини улуғлаш, мод-дий-маънавий ёрдам кўрсатишга эътибор кучайтирилди. Бир-гина мисол: депутат ташаббуси билан халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг сессиясида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисоби-дан эҳтиёжманд бе-морларга дори-дармон, жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун моддий

ёрдам ажратиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Натижада, бир неча фуқароларни қийнаётган муам-молар бартараф этилди.

Шунингдек, ёшларни қўлаб-қув-ватлаш бўйича “Ёшлар жамғар-маси” маблағлари ҳисобидан 521 нафар ёшларга тўлов шартномаси пуллари, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш истагидаги ёшларнинг 118 на-фарига ўқиш харажатлари тўлаб берилди.



Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон вилоят кенгаши
матбуот котиби



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ: Мам-лакатимизда аҳолини ҳаётдан рози этиш, инсон ҳуқуқларини олий қадрият билиб, манфаат-ларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оши-рилмоқда. Албатта, ушбу жара-ёнларда барча даражадаги пар-тия ташкилотлари ва депутатлар фаол иштирок этишмоқда.

Халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашларидаги партия гу-руҳлари ҳудудлардаги ижтимо-ий-иқтисодий масалаларни ҳал

қилиш, ижро этувчи ҳокимият ор-ганлари фаолияти устидан де-путатлик назоратини олиб бо-риш, жойларда қонунлар, ҳуку-мат қарорлари ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишда фаол қатнаш-моқдалар.

Жумладан, кенгашлар сессия-лари кун тартибига партия Сай-ловолди платформасида бел-гиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электротар манфа-атларини ҳимоя қилишга доир

Шаҳрихон туманида ҳам бугун сайловчиларнинг “Адолат” СДП ва-киллари бўлган депутатларга ишончи катта. Бунга шу ҳудуддан сайлан-ган депутат **Рустамжон Ҳожибоев**-нинг фаоллиги сабаб. У ҳар бир му-рожаатга алоҳида эътибор билан қарайди. Аҳоли муаммоларини ўрга-ниш ва уларни бартараф этиш мақ-садида мутасадди ташкилотларга 10 та депутатлик сўровлари юборди. Бунинг натижасида 2 километр ички йўлларга асфальт ётқизишига эри-шилди, 1 та мактаб реконструкция қилиш учун давлат дастурига кири-тилди, 1 километр тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 1 та трансформатор, 24 та бетон устун ўрнатилди.

Фуқароларнинг шахсий муам-молари ҳам депутат назоратида. Шаҳрихон тумани “Пахтақўл” МФЙ ҳудудига яшовчи фуқаро Тошхон Маннопованинг яшаш уйининг том қисмидан сув оқаётганида. Таъмир-лаш учун оилада имконият йўқ. Де-путат кўмағида ушбу хонадонга 10 донга шифер ҳамда озиқ-овқат маҳсу-лотлари етказиб берилди.

“Сарой” МФЙда яшовчи Анваржон Қодиров ва Давронбек Пиримқулов-лар оиласи ҳам ижтимоий кўмакка муҳтож эди. Уларнинг мурожаати ижобий ечим топди. Ҳар икки оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, назоратга олинди.

Бир сўз билан айтганда, бугун ан-дижонлик халқ вакиллари муаммо-лар ечимини топишмоқда.

партия гуруҳи фаолиятини сама-рали ташкил этиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбатда Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри «Адолат» СДП-нинг депутатлик гуруҳи фаоли-ятини янада ривожлантириш ҳамда депутатларнинг ўз вако-латларини амалга ошириш кў-нимчаларини мустаҳкамлаш, уларнинг доимий комиссиялар мажлислари ва сессиялар кун тартибига тақлифлар киритиш бўйича ташаббусларини кучай-тиришининг амалий механизмла-рини такомиллаштиришга ало-ҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ҳудудларни ижти-моий-иқтисодий ривожланти-ришда халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи қай даражада иштирок этаётган-лиги қизгин муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, депутат-лар ҳар бир мурожаатга эъти-бор қаратиб, муаммоларга ўз вақтида ечим топилишига эриш-моқдалар. Жумладан, “Адо-лат” СДПнинг Янгиер шаҳар кенгаши раиси **Ф.Расулов**, депутатлик гуруҳи раҳбари



Ў.Файзиев, депутатлар **Т.Са-миев**, **Ғ.Рахимов**лар партия-нинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида шаҳардаги “Маърифат”, “Бинокор”, “Давла-тобод” МФЙларида аҳоли хона-донларида бўлиб, фуқаролар-нинг мурожаатларини тинглади-лар.

Мулоқотлар давомида тилга олинган масала ва муаммолар

ўрганилиб, депутатлар томони-дан шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси, Электр таъминоти корхонаси, Сув таъминоти МЧЖ ҳамда Электр тармоқлари корхо-наси раҳбариятига юборилган де-путатлик сўровларига ўз вақтида ижобий жавоб қайтарилди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, де-путатлик гуруҳимиз томони-дан халқ депутатлари Янгиер

шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари ва сессияла-рига киритилган 3 та масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўткир ФАЙЗИЕВ,
халқ депутатлари Янгиер
шаҳар Кенгашидаги партия
депутатлик гуруҳи раҳбари

Унда 2024-2026 йилларда халқаро фестиваллар, форумлар ва республика даражасидаги маданий-оммавий тадбирларни таъкил этиш ва ўтказиш ишлари босқичма-босқич хусусий секторга ўтказилиши белгиланди.

и житомирська реклама.

